

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Ижтимоий тармоқлар орқали Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Қумариқ қишлоғида электр таъминотидаги узилишлар ва симлик суви масалалари юзасидан Тошлоқ тумани ҳокимлигининг расмий муносабати Мазкур мурожаатга асосан "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ қуидагиларни маълум қилди.

Жорий йилнинг 7 июль куни соат 05:48да Навоий иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмаларини табиий газ билан таъминловчи 2-тармоқ газ қувурида газ сизиб чиқиш ҳолати юзага келган. Мазкур носозликни бартараф этиш жараёнида хавфсиз иш ташкил этиш мақсадида Навоий иссиқлик электр станциясининг 1-сон буғ-газ қурилмаси вақтинчалик тўхтатилган. Шу сабабли республикамизнинг айrim ҳудудларида шу қатори вилоятимиз ҳудудларида ҳам электр энергияси таъминотида қисқа муддатли узилишлар кузатилган.

Тошлоқ тумани Қумариқ қишлоғи асосан, 110 кВли юқори кучланиши “Очистная” электр узатиш тармоғи орқали электр энергияси билан таъминланади. Юқоридаги энерготизимда вужудга келган аварияли узилиш вақтида системада қувват танқислиги вужудга келиб, 110 кВли юқори кучланиши электр узатиш тармоқларида системаларо юкламани енгиллаштириш I-босқич автоматикаси(УОН)да қисқа муддатли узилишлар кузатилган.“Худудий электр тармоқлари” АЖ мутахассислари томонидан бошқа турдош ташкилотлар билан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида юзага келган носозлик тўлиқ бартараф этилиб, тизим барқарор ҳолатга келтирилган. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, июль ойининг биринчи ярмида мамлакатимиз ҳудудида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва 6-8 июль кунлари республиканинг суткалик электр энергияси истеъмоли 223 миллион киловатт соатгача этиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган мавсумнинг мос даврига нисбатан 23 фойзга кўпdir.

Шу билан бирга, республикамиз сув омборларига сув келиш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37 фойзга кам ёки кўп йиллик ўртacha сув келишининг 48 фойзини ташкил этмоқда. Бу ҳолат гидроэлектр станцияларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда. Шунга қарамасдан, мамлакатимизда электр станциялар орқали режада кўрсатилган ҳажмларда электр энергияси ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Келтирилган нокулайликлар учун истеъмолчилардан узр сўраймиз, дейилади “Фарғона ҲЭТК” АЖ матбуот хизматининг телеграм каналда.

Ичимлик суви масаласи ҳам Ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди. Қумариқ маҳалла фуқаролар йиғинида 900 га яқин хонадон мавжуд. Ҳудуддаги Хожиота ва Сўфилар кўчаларида истиқомад қилувчи 600 га яқин хонадонлар маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан ичимлик суви билан таъминланди. Фарғона кўчасида эса 300 га яқин хонадонлар бўлиб, мазкур кўчага ичимлик суви тамоғини тортиш ишлари 2022 йил давомида амалга ошириш режалаштирилган.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-07-12 16:30:18